

**ЎЗБЕКИСТОН ЖУРНАЛИСТИКА ВА ОММАВИЙ  
КОММУНИКАЦИЯЛАР УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖА БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2019.Fil.14.01  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ  
УНИВЕРСИТЕТИ**

**БОЗОРОВА МАХЗУНА АЛИЖОН ҚИЗИ**

**ОДАМ САВДОСИГА ҚАРШИ КУРАШ МАСАЛАЛАРИНИНГ  
МАТБУОТДА ЁРИТИЛИШИ: ЁНДАШУВ, ТЎҚНАШУВ ВА ЕЧИМЛАР  
(ЎзР ва РФ босма нашрлари материаллари мисолида)**

**10.00.09 – Журналистика (филология фанлари)**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2020**

УДК: 004.1:05/07 (575.1)

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
филологическим наукам**

**Content of abstract of the dissertation for the doctor of philosophy (PhD) on  
philological sciences**

**Бозорова Махзуна Алижон қизи**

Одам савдосига қарши кураш масалаларининг матбуотда ёритилиши:  
ёндашув, тўқнашув ва ечимлар (ЎзР ва РФ босма нашрлари материаллари  
мисолида)..... 3

**Бозорова Махзуна Алижон қизи**

Освещение в прессе вопросов противодействия торговле людьми:  
подходы, противоречия и решения (на материалах печатной периодики  
РУз и РФ)..... 27

**Bozorova Makhzuna Alijon qizi**

Press coverage of issues of combating human trafficking: approaches,  
contradictions and solutions (based on materials from the printed periodicals of  
the Republic of Uzbekistan and the Russian Federation)..... 51

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works..... 57

**ЎЗБЕКИСТОН ЖУРНАЛИСТИКА ВА ОММАВИЙ  
КОММУНИКАЦИЯЛАР УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖА БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2019.Fil.14.01  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ  
УНИВЕРСИТЕТИ**

**БОЗОРОВА МАХЗУНА АЛИЖОН ҚИЗИ**

**ОДАМ САВДОСИГА ҚАРШИ КУРАШ МАСАЛАЛАРИНИНГ  
МАТБУОТДА ЁРИТИЛИШИ: ЁНДАШУВ, ТЎҚНАШУВ ВА ЕЧИМЛАР  
(ЎзР ва РФ босма нашрлари материаллари мисолида)**

**10.00.09 – Журналистика (филология фанлари)**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2020**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.2.PhD/Ғ0913 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Мирзо Улутбек номидаги Ўзбекистон миллий университетида бажарилган.


Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.uzjoki.uz](http://www.uzjoki.uz)) ва «Ziyouet» Ахборот-таълим порталида ([www.ziyouet.uz](http://www.ziyouet.uz)) жойлаштирилган.

<b>Илмий раҳбар:</b>	<b>Маматова Ясютхон Мухамаджоновна</b> филология фанлари доктори, профессор в.б.
<b>Расмий оппонентлар:</b>	<b>Худойкулов Мухтор</b> филология фанлари доктори, профессор <b>Бабаджанова Гулдара Наджимовна</b> филология фанлари номзоди, доцент
<b>Етакчи ташкилот:</b>	<b>Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети</b>

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети ҳузуридаги илмий даража берувчи PhD.03/30.12.2019.Ғ1.14.01 рақамли Илмий кенгашнинг 20 20 йил «Н» қавра соат 15<sup>00</sup> дақи мажлисида бўлиб ўтади (Маил: 100017, Тошкент шаҳри, Марказ-5, 88-уй. Тел.: (99871) 207-09-06; e-mail: journalism.univer@gmail.com).


Диссертация билан Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (Маил: 100017, Тошкент шаҳри, Марказ-5, 88-уй. Тел.: (99871) 207-09-06).

Диссертация автореферати 20 20 йил «В» қавра кунли тарқатилди.  
(20 20 йил «18» қавра дақи 9 рақамли реестр баённомаси).




**Ф.А. Муминов**

Илмий даража берувчи илмий кенгаш раиси, филология фанлари доктори, профессор



**Н.Ф. Муратова**

Илмий даража берувчи илмий кенгаш илмий котиби, филология фанлари номзоди, доцент



**Қ.Т. Иризаров**

Илмий даража берувчи илмий кенгаш котибдаги Илмий семинар раиси, тарих фанлари доктори, профессор



## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Сўнгги 20 йил ичида оммавий ахборот воситаларининг (ОАВ) жамиятдаги ўрни тубдан ўзгарди. Немис олими Томас Мейер<sup>1</sup> биринчилардан бўлиб медиакратия даври – воқеликни акс эттириш билан бирга уни шакллантирувчи ОАВ ҳокимияти бошланганига ишора қилди. Инсон ҳуқуқларининг кўпол, шафқатсиз ва, энг муҳими, узлуксиз бузилиши билан таърифланувчи траффикинг ёки одам савдоси каби глобал муаммога ҳам инсонларнинг муносабати тўғридан-тўғри ОАВ фаолиятига боғлиқ бўлиб қолди. Ушбу жиноий фаолият тури ўта катта молиявий фойда олиб келиши сабабли дунё бўйлаб жуда кенг миқёсда тарқалмоқда. Даромадлилик жиҳатидан одам савдоси «гиёҳванд моддалар ва қурол савдоси билан деярли тенг туради»<sup>2</sup>.

Дунё олимлари ва илмий-тадқиқот марказлари ушбу ҳодисага қарши кенг қамровли курашда ОАВ иштирокининг функция ва тамойилларига, уларнинг одам савдоси қурбонларига нисбатан турли хил, шу жумладан, гендер қолипларининг илдиз отишидаги ўрнига, ушбу мавзунинг турли давлатлар ва ҳудудлар кесимида ёритишда журналистларнинг касб одоби масалаларига бағишланган тадқиқотларни ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Эмпирик жиҳатдан дунёнинг аксарият даврий нашрлари ушбу муаммони ёритишда унинг моҳиятини нотўғри акс эттиришмоқда, траффикинг соҳасига оид турдош тушунчаларни чалкаштириб юборишмоқда, журналистларнинг талқини ва қарашлари эса оммавий аудитория ареалининг аёллар қисмигача қисқаришига олиб келмоқда. Шу муносабат билан халқаро миқёсда журналистлар ва ОАВнинг ушбу соҳадаги касбий компетентлигини оширишга эҳтиёж тобора ўсиб бормоқда. Қолаверса, ушбу жараён айнан ОАВ зиммасига фуқароларнинг хабардорлигини ошириш, ҳукумат ва фуқаролик жамияти институтларининг одам савдосига қарши курашиш бўйича чоратадбирларини оқилона ёритиш каби алоҳида масъулиятни юклайди. ОАВ давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, ННТ ҳамда фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ижтимоий шериклик воситасида траффикинг ҳолатларини аниқлаш ва олдини олишга кўмаклашади, жамоатчилик фикрини фаоллаштириш орқали эса унга қарши курашиш бўйича чора ва дастурларнинг ижроси устидан жамоатчилик назоратининг ўрнатилишини таъминлайди.

Ўзбекистонда 2019 йилдан бошлаб одам савдосига қарши курашиш сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилди. Оғир жиноятлар учун жазо муқаррарлиги таъминланмоқда, «сўнгги йилларда жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш борасида бир қатор ишларни амалга оширдик. Бироқ, бу соҳада олдимизда ҳали ўз ечимини кутаётган масалалар мавжуд»<sup>3</sup> эканлиги таъкидланмоқда. Шу сабабдан ОАВ, давлат идоралари ва фуқаролик

<sup>1</sup> Meyer T. Media Democracy: How the Media Colonize Politics. – Wiley, 2002. – 184 p.

<sup>2</sup> Борьба с коррупцией в странах с переходной экономикой. Кыргызская Республика. – ОЭСР, 2005. – С. 108.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис Сенатининг биринчи мажлисидаги нутқи. 2020 йил 20 январ // <https://president.uz/uz/lists/view/3304>.

жамияти институтлари ўртасида самарали ҳамкорликни ташкил этиш эҳтиёжи янада ортиди. Шу боис Ўзбекистон ОАВ траффикингга қарши самарали курашиш, унинг олдини олиш ва аҳоли хабардорлигини оширишнинг муҳим воситаси сифатидаги фаолиятининг ўрни, шакллари ва усуллари илмий-назарий жиҳатдан ўрганиш ўта долзарб аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»<sup>4</sup>, 2019 йил 30 июлдаги ПФ-5775-сон «Одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»<sup>5</sup> Фармони, Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 17 августдаги ЎРҚ-633 «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»<sup>6</sup> Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»<sup>6</sup> янги тахрирдаги Қонуни ҳамда соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг: I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Одам савдосига қарши курашиш муаммоси кўп қиррали бўлганлиги сабабли у қатор фанлар кесимида ўрганилади. Энг аввало, ҳуқуқий йўналишдаги тадқиқотларни таъкидлаш лозим. Инглиззабон ва Россия олимлари одам савдосини белгиловчи омиллар, унинг жинсий-ҳуқуқий ва криминологик жиҳатларини ўрганишган. МДХ мамлакатлари тадқиқотчилари одам савдосининг олдини олиш чораларини такомиллаштириш масалалари, ушбу жиноятни содир этган шахснинг психологик портретини тадқиқ этишган. Ватанимиз ҳуқуқшунос олимларининг ишларида траффикинг, айниқса, аёллар ва болалар савдоси тарихи, тадрижи, криминологик жиҳатлари ва унинг олдини олишнинг ҳуқуқий асослари кўриб чиқилган.

Россиялик олимларнинг қатор тадқиқотлари одам савдосига қарши курашишда ОАВнинг ўрни ва иштирокини ўрганишга бағишланган. Хусусан,

---

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. 07.02.2017 й.да қабул қилинган // [http://lex.uz/pages/getpage.aspx?lact\\_id=3107042](http://lex.uz/pages/getpage.aspx?lact_id=3107042).

<sup>5</sup> Одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. 30.07.2019 й.да қабул қилинган // <http://uza.uz/ru/documents/o-dopolnitelnykh-merakh-po-dalneyschemu-sovshenstvovaniyu-s-31-07-2019> [юзланиш санаси: 07.01.2020].

<sup>6</sup> Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»<sup>6</sup> Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида. Ўзбекистон Республикаси Қонуни. 17.08.2020 й.да қабул қилинган // <https://lex.uz/docs/4953314>.

М. Лукина<sup>7</sup> интервью стратегияси ва тактикасини тадқиқ этган бўлса, А. А. Топчий<sup>8</sup> мазкур муаммо бўйича материалларни тайёрлашнинг ўзига хосликларини умумлашма тарзда кўриб чиққан. И. М. Дзялошинский ва Е. В. Тюрюкановалар<sup>9</sup> бу жараёнда массмедиа фаолиятининг самарадорлигини тадқиқ этишган. О. В. Смирнова ва Е. Вартановалар<sup>10</sup> эса матбуотда траффикинг масалалари ёритилишининг гендер жиҳатларини аниқлашган.

Инглиз забон тадқиқотлар орасида одам савдоси ва мажбурий меҳнатга доир халқаро янгиликлар ва Буюк Британия матбуоти материалларининг контент-таҳлилини амалга оширган Э. Дентон<sup>11</sup> ва Э. Дуганлар<sup>12</sup> ишларини эътироф этиш лозим. С. Уоллингер<sup>13</sup> тадқиқотида мавзу доирасида кун тартибни белгилашнинг замонавий назарияси қўлланилган. Д. Мартинелли<sup>14</sup> ушбу назария асосида New York Times ва CNN сайтлари материалларини таҳлил қилган. Р. Санфорд<sup>15</sup> New York Times ва Washington Post газеталарида 1980-2006, 2012-2013 й.й.да чоп этилган одам савдоси хусусидаги мақолалар мазмунини ўрганган. Р. Остин ва А. Фарреллнинг тадқиқоти<sup>16</sup> АҚШ ОАВнинг муаммони ёритишдаги ролини назарий жиҳатдан идрок этишга бағишланган бўлса, А. Жонстон, Б. Фридман ва М. Собел<sup>17</sup>, шунингдек, С. Х. Катрин<sup>18</sup> ишларида 2008-2012, 2012-2015 й.й.да ушбу мамлакат босма ва аудиовизуал ОАВда жинсий эксплуатация мақсадида одам, шу жумладан болалар савдоси мавзусининг талқини кўриб чиқилган. К. Сандерс<sup>19</sup> ОАВнинг траффикинг борасидаги афсона ва стереотипларни тарқатишдаги ролини ўрганган. Таъкидлаш жоизки, деярли барча ишларда масаланинг назарий

---

<sup>7</sup> Лукина М. Технология интервью. Учебное пособие для вузов. – М.: Аспект Пресс, 2003.

<sup>8</sup> Топчий А.А. Освещение в средствах массовой информации проблемы торговли людьми. Пособие для журналистов. – ОБСЕ: Интертехнология, 2007. – 161 с.

<sup>9</sup> Дзялошинский И.М. Торговля людьми: СМИ как ресурс общественного противодействия современному рабству. – М.: ЗАО «СитиПрессСервис», 2008. – 368 с.

<sup>10</sup> Смирнова О.В. Торговля людьми в гендерной проблематике СМИ // Эл.ж. Медиаскоп. – 2012. - № 3. - <http://www.mediascope.ru/node/1130>; Вартанова Е. и др. СМИ против торговли людьми. – М.: МедиаМир, 2013. – 184 с. и др.

<sup>11</sup> Denton E. International news coverage of human trafficking arrests and prosecutions: a content analysis. – Canada: Simon Fraser University, 2009. – 112 p.

<sup>12</sup> Dugan E. Forced labour and human trafficking: Media coverage in 2012 // <https://www.jrf.org.uk/sites/default/files/jrf/migrated/files/forced-labour-media-coverage-full.pdf>.

<sup>13</sup> Wallinger C. S. Media Representation and Human Trafficking: How Anti-Trafficking Discourse Affects Trafficked Persons // Second Annual Interdisciplinary Conference on Human Trafficking. – 2010. – 4. – P. 5 // <http://digitalcommons.unl.edu/cgi/viewcontent.cgi?article=1003&context=humtrafconf2>.

<sup>14</sup> Martinelli D. U.S. Media's Failure to Set the Agenda for Covering Sex Trafficking // *Elon Journal of Undergraduate Research in Communications*. – 2013. – 5(12). – PP. 1-13 // <http://www.studentpulse.com/articles/837/4/us-medias-failure-to-set-the-agendafor-covering-sex-trafficking>.

<sup>15</sup> Sanford R. Framing Human Trafficking: A Content Analysis of Newspaper Articles from 2012 and 2013. – US: The George Washington University, 2015. – 57 p.

<sup>16</sup> Austin R., Farrell A. Human trafficking and the media in the United States. – 2017 // DOI:10.1093/acrefore/9780190264079.013.290.

<sup>17</sup> Johnston A., Friedman B., Sobel M. Framing an Emerging Issue: How U.S. Print and Broadcast News Media Covered Sex Trafficking, 2008–2012 // *Journal of Human Trafficking*. – 2015. – 1(3). – PP. 235-254.

<sup>18</sup> Katherine S.H. The media's representation of sex trafficking domestic minor girls. – US: Fielding Graduate University, 2016. – 104 p.

<sup>19</sup> Sanders K. The media's portrayal of human trafficking versus experiences: understanding human trafficking from the survivor's perspective by analyzing media portrayal of human trafficking and debunking the myths. – Charlotte: University of North Carolina 2018. – 113 p.

жихатлари эмас, балки тадқиқ этилаётган муаммо бўйича массмедиялар амалиётининг таҳлил натижалари умумлаштирилган.

Мамлакатимиз олимларидан Х. Н. Досмухамедов<sup>20</sup> журналистнинг касб одоби-ахлоқи масалаларини, Қ. Т. Ирназаров<sup>21</sup> миллатлараро муносабатларни ёритишда матбуотдаги стереотипларни, Ф. А. Мўминов<sup>22</sup> журналист суриштирувнинг мазмуни ва турларини, С. М. Жабборов<sup>23</sup> халқаро ва миллий ҳуқуқнинг журналистика самарадорлигига таъсирини ўз илмий-тадқиқот ишларида ёритишган. Ф. П. Нестеренко, Я. М. Маматова, К. Хидировлар<sup>24</sup> ҳуқуқий журналистика тарихи, миллий ҳуқуқий журналистиканинг шаклланиши, унинг суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотларни амалга оширишдаги иштироки, мамлакатда барқарорлик ва хавфсизликни таъминлаш, коррупцияга қарши курашиш бўйича ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва ОАВнинг ўзаро ҳамкорлик масалалари, журналист суриштирувнинг самарадорлиги омилларини тадқиқ этишган<sup>25</sup>. Шунингдек, тадқиқотчилар<sup>26</sup> томонидан ОАВдаги ОИВ инфекцияси ва ОИТС билан касалланганларга оид қолиплар ўрганилган.

Юқорида баён этилганлардан кўриниб турибдики, ҳозирга қадар босма ОАВнинг фаолияти ёндашувлари, шакллари ва усуллари одам савдосининг олдини олиш ва унга қарши курашиш омили сифатида махсус ва тизимли тарзда ўрганилмаган.

**Тадқиқот мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон миллий университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг «Журналистика, оммавий коммуникациялар назарияси ва амалиётининг долзарб масалалари» мавзусидаги илмий тадқиқоти доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** одам савдосига қарши курашиш масалаларининг миллий ва Россия матбуотида ёритилишида ёндашув, шакл

---

<sup>20</sup> Досмухамедов Х.Н. Журналистнинг касб одоби муаммолари: филолог.ф.д. ... дисс.: 10.01.10. – ЎзДЖТУ, 2008. – 245 б.

<sup>21</sup> Ирназаров К.Т. Пресса и межнациональные отношения: критика стереотипов тоталитаризма и политика независимого развития: автореф. дисс. ... докт.ист.н. – Т.: НУУз, 2004. – 42 с.

<sup>22</sup> Муминов Ф.А. Журналистское расследование. Учебное пособие. – Т.: Университет, 2002.

<sup>23</sup> Жабборов С.М. Журналистиканинг самарали фаолият юритишига халқаро ва миллий ҳуқуқнинг таъсири (Америка Қўшма Штатлари, Германия Федератив Республикаси ва Буюк Британия оммавий ахборот воситалари мисолида, 1960-2000 йиллар): филол. ф.н. ... дисс.: 10.01.10. – ЎзМУ, 2002. – 136 б.

<sup>24</sup> Нестеренко Ф.П., Маматова Я.М. Ҳуқуқий журналистика: кеча ва бугун. – Т.: ЎзМУ, 2011. – 171 б.; Маматова Я.М. СМИ и судебно-правовая реформа в Узбекистане. Учебное пособие. – Т.: ИПТД имени Чулпана, 2018. – 240 с.; Она же. СМИ, правопорядок и безопасность: служение демократии в Узбекистане: Учебное пособие. – Т.: «Mehridaryo», 2019. – 212 с.; Маматова Я., Хидиров К. Масс-медиа Узбекистана как инструмент эффективного противодействия коррупции. Учебное пособие. – Т.: ИПТД имени Чулпана, 2020. – 184 с.; Маматова Я., Сулайманова С. В поисках истины: факторы эффективности журналистского расследования в Узбекистане. – Т.: 2015 – 81 с.

<sup>25</sup> Шу ўринда таъкидлаш керакки, Республика «Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази ушбу йўналишда Ўзбекистон матбуоти мониторингини олиб боради ва унинг натижалари хизматда фойдаланиш учун ихтисослашган ташкилотларга тақдим этилади. Қаранг: «Ижтимоий фикр» РЖФЎМнинг расмий веб-сайти // [http://ijtimoiy-fikr.uz/ru/arhiv/monitoring\\_pressi\\_arhiv](http://ijtimoiy-fikr.uz/ru/arhiv/monitoring_pressi_arhiv).

<sup>26</sup> Исламова Л. ВИЧ, СПИД : как журналистика может противостоять мифу и стигматизации. – Т.: Extremum press, 2014. – 50 с.

ва усулларни очиб бериш, зиддиятлар ва уларнинг ечимини аниқлашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

траффикингга қарши курашиш тўғрисидаги қонунчилик эволюциясини халқаро ва миллий миқёсда кўриб чиқиш;

ОАВнинг одам савдосига қарши самарали курашиш омили сифатидаги ўрни ва вазифаларини ўрганиш;

Ўзбекистоннинг босма нашрларида одам савдосига қарши курашиш масалалари ёритилишининг асосий жиҳатларини аниқлаш;

Россия матбуотида траффикинг муаммосини талқин қилишда журналистлар ёндашувларини таҳлил қилиш;

ўрганилаётган муаммо бўйича матбуот чиқишларида гендер асимметрияси ва қолипларини тадқиқ қилиш;

журналист суриштирувининг траффикингни аниқлаш ва унинг олдини олишга таъсирини ўрганиш;

медиаматнларнинг лексик-стилистик хусусиятларини таҳлил қилиш;

ушбу мавзунинг ёритаётган журналистнинг ҳуқуқий ва ахлоқий масъулиятини тадқиқ қилиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Ўзбекистоннинг «Народное слово», «Правда Востока», «Ниқуқ», «Огоҳ», «Даракчи» газеталари ҳамда «Qalqon» журнали, Россиянинг «Российская газета», «Аргументы и факты», «Мир Новостей», «Огонёк», «Миграция XXI век» нашрларининг 2016-2019 йиллардаги сонлари олинган.

**Тадқиқотнинг предмети**ни ушбу даврий нашрларда одам савдосига қарши курашиш масалаларини ёритишдаги контент, усул, шакл, услуб ва тамойиллар ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот давомида тарихий, қиёсий, филологик ва контент-таҳлил, кузатув, умумлаштирув, мантиқий исбот, категориялаш ва таснифлаш усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

маҳаллий ва хорижий тадқиқотларда ҳанузгача «одам савдоси» таърифининг тўлиқ тавсифи ишлаб чиқилмаганлиги аниқланган, илк мартаба ушбу атаманинг ОАВ фаолиятига мос талқини назарий жиҳатдан асосланган;

Ўзбекистон ОАВнинг одам савдосини аниқлаш ва унинг олдини олишдаги ўрни ва 14та вазифаси назарий асосланиб, амалиётда Ўзбекистон матбуоти одам савдосига қарши курашиш бўйича давлат чоратадбирларининг фаол транслятори сифатида намоён бўлаётгани исботланган;

одам савдоси мавзусини ёритиш бўйича ЎЗР ва РФ ОАВнинг фаолияти учта назарий базисда - кун тартибидини шакллантириш, фрейминг ва альтеркастинг асосида амалга оширилаётганлиги исботланган;

траффикинг мавзуси бўйича Ўзбекистон ва Россия матбуотининг қиёсий таҳлили натижасида муаммонинг икки мамлакат босма нашрларида

ёритилиш динамикаси кўрсатилиб, журналистларнинг ушбу мавзуга бўлган қизиқиши, айниқса, сўнгги уч йилда ошаётгани асосланган;

одам савдосига оид матбуот материалларида гендер асимметрияси асосан хотин-қизларни таҳқирланган ва заиф ҳолатларини бўрттириб ёритишда, ушбу ҳодисаларга баҳо беришда журналистлар виктимблеймингга йўл кўяётганида намоён бўлиши, бунинг натижасида, жамоатчилик онгида гендер қолипларининг илдиз отиши далилланган;

журналист суриштируви одам савдосига қарши курашишда ОАВ воситасида жамоатчилик назоратини ўрнатишнинг самарали воситаси эканлиги, журналист ижодий фаолиятининг ушбу йўналиши турли траффикинг ҳолатлари ўртасидаги ички сабаб-оқибат муносабатларини жамоатчиликка кўргазмали тарзда очиқ бериши исботланган;

лексик бирликлар нашрларнинг оҳангини белгилаши, инвариант хусусиятлар, жумладан, қадриятлар кўлами, баҳолаш, мафкура ва муаллиф образи аудитория онгига аксарият ҳолларда яширин таъсир ўтказаётгани ва таҳлилий материалларда намоён бўлаётгани асосланган;

журналист фаолиятининг ахлоқий-ҳуқуқий жиҳатларини тадқиқ қилиш асосида ушбу мавзуда қалам тебратувчи ОАВ ходимлари учун суд репортёрларининг Миллий хартиясини ишлаб чиқиш зарурияти аниқланган ва унинг асосини 13 муҳим тамойил ташкил этиши далилланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

ОАВ фаолиятига, одам савдосига қарши курашиш тўғрисидаги халқаро қонунчиликка тўла мос келувчи ва илмий мунозараларга аниқлик киритувчи «одам савдоси» атамасига таъриф ишлаб чиқилган ва асослаб берилган;

траффикингни аниқлаш ва унинг олдини олишда ОАВнинг ўрни ва вазибалари белгиланган, ушбу йўналишдаги фаолиятнинг амалий асослари аниқланган;

траффикинг масалаларини ёритишда Ўзбекистон матбуоти фаолият сифатини янги босқичга кўтаришга интилаётгани аниқланган. Бироқ ҳанузгача мавзуни очиқ беришда журналистлар ахборот жанрлари билан чегараланиб қолаётганликлари, таҳлилий ва бадиий-публицистик жанрлар, журналист суриштирувининг бой имкониятларидан тўлиқ фойдаланмаётганликлари аниқланган;

матбуотда одам савдосининг ёрилитишида гендер жиҳатлар иерархияси аниқланган. Аксарият ҳолларда босма ОАВ материалларининг қаҳрамонлари сифатида аёллар ва болалар гавдаланиши белгиланган, бу эса жамоатчилик онгида гендер қолипларининг сақланиб қолишига сезиларли таъсир кўрсатиши таъкид этилган;

медиамактнларни тузишда ўзбекистонлик журналистлар тил имкониятларидан тўлиқ фойдаланмаётганликлари, россиялик муаллифлар эса ҳиссий-экспрессив воситаларни самарали қўллаётганликлари аниқланган;

журналистиканинг халқаро ва миллий ахлоқий-ҳуқуқий меъёрларини таҳлил қилиш асосида ОАВ учун одам савдосига қарши курашиш

масалаларига оид материаллар тайёрлашнинг касбий тамойил ва қоидалари умумлаштирилган;

траффикинг мавзусини самарали ёритишда босма нашрлар фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Натижа ва хулосаларнинг ишончлилиги уларнинг журналистика услубий ва назарий тамойилларига мувофиқлиги, тадқиқотнинг мақсад ва вазифаларига мос назарий ва эмпирик характердаги илмий услублар комплексидан фойдаланилганлиги, ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланган хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга татбиқ этилган натижалари билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқотнинг илмий аҳамияти унда даврий нашрларнинг одам савдосига қарши курашиш масалаларини ёритиши билан боғлиқ фаолияти тўғрисида илмий-назарий қарашлар умумлаштирилганлиги ва тўлдирилганлиги, ўрганилаётган муаммо бўйича янги назарий ва эмпирик маълумотлар тақдим этилганлиги, ушбу йўналишда массмедиа фаолиятини такомиллаштириш бўйича илмий асосланган тавсиялар ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Диссертациянинг амалий аҳамияти тадқиқот материалларидан ОЎЮнинг журналистика факультетларида маъруза ҳамда амалий машғулотларни ўтказиш, журналистика тарихи, назарияси ва амалиёти, социология бўйича дарслик, ўқув, услубий қўлланмаларни яратиш, махсус курс, илмий тадқиқот лойиҳаларини ишлаб чиқиш, битирув малакавий ишлари, магистрлик диссертациялари ва бошқа тадқиқот ишларини бажаришда, ушбу мавзу бўйича ижодий материаллар тайёрлашни мувофиқлаштириш мақсадида амалиётчи журналистларни қайта тайёрлаш ҳамда малакасини ошириш тизими ва журналистларнинг амалий фаолиятида қўллаш мумкин.

**Тадқиқот натижаларнинг жорий қилиниши.** Одам савдосига қарши кураш масалаларини матбуотда ёритишда ёндашувлар, зиддиятларни тадқиқ қилиш бўйича олинган хулоса, таклиф ва тавсиялар асосида:

Одам савдосига қарши курашиш мавзусини ёритишда журналист маҳорати, муаллиф позицияси, холислик, бағрикенглик, кўпфиррилилик тамойилларининг ишлаши масалалари юзасидан олинган илмий натижалардан Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси «O‘zbekiston» телеканали орқали 2019 йилнинг апрель, июнь ва июль ойларида эфирга узатилган «Girdob» теледастури туркум кўрсатувларининг концепцияси, сценарийлари, инфографик материал, кадр орти матнлари ишлаб чиқилган («O‘zbekiston» телеканалининг 2020 йил 6 июлдаги 01-40-718-сонли маълумотномаси). Илмий натижалар журналистлар учун одам савдосига оид локал доирадаги маълумотларнинг бериб борилиши, аудиториянинг билим даражасини оширувчи назарий-методологик ахборотларга урғу қаратилиши, жабрдийдалар билан интервью олиб боришда этик тартиб-қоидаларга риоя этилиши каби касбий индикаторларни яратиш имконини берган.

Траффикингга қарши курашиш соҳасида миллий қонунчиликнинг ривожланиш тенденцияларига оид илмий натижалардан, ушбу мавзунинг Ўзбекистон босма нашрларида ёритилишининг асосий жиҳатлари юзасидан диссертациянинг амалий қисмида келтирилган хулосалардан Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси «O‘zbekiston» телеканали орқали 2019 йил 31 июл кунда эфирга узатилган «Sharh +» теледастурининг контенти сифатини оширишда фойдаланилган («O‘zbekiston» телеканалининг 2020 йил 6 июлдаги 01-40-718-сонли маълумотномаси). Илмий натижалар бўйича ишлаб чиқилган мезонлар журналистларнинг одам савдосига қарши курашиш масалалари билан шуғулланувчи давлат идоралари вакиллари билан мулоқот шакли ўзгартирилиши ва ўрганилаётган муаммони ёритувчи журналистлар фаолиятидаги ютуқ ва камчиликлар тўғрисида холис маълумотлар тақдим этилишига хизмат қилган.

Газета ва журналларда чоп этилган материалларнинг шакли, жанри, муаллиф образи, тил ва услуб имкониятлари, уларнинг аудиторияга таъсири, мавзуни ёритишда журналистларнинг ҳуқуқий ва ахлоқий масъулияти юзасидан олинган илмий натижалардан Ўзбекистон миллий матбуот маркази томонидан одам савдоси мавзусини ёритишда ОАВ ва журналистларнинг салоҳиятини ошириш бўйича матбуот анжуманлари ва брифинглар материалларини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон миллий матбуот марказининг 2020 йил 9 июлдаги 01/68-сонли маълумотномаси). Илмий натижалар бу мавзу бўйича фаолият олиб бораётган журналистларнинг амалий касбий малакасини оширишга ҳамда таҳлилий материаллар тайёрлашга ёрдам берган.

Журналист суриштируви одам савдосига қарши курашишда самарали восита эканлиги, лексик бирликлар нашрларнинг оҳангини белгилаб бериши, инвариант хусусиятлар одам савдосига оид матнлар услубида муҳим рол ўйнаши юзасидан олинган илмий натижалардан Республика «Истиқболли авлод» ижтимоий-ахборот марказининг ОАВ билан ҳамкорлигининг узоқ муддатли режасини, матбуот хизматининг фаолиятини такомиллаштириш бўйича йўл харитасини ишлаб чиқишда, ҳудудларда тадбирлар доирасида ОАВ ва журналистларнинг мавзуни малакали ёритиш бўйича салоҳиятини оширишга қаратилган семинар-тренинг ва конференцияларни ташкил қилишда фойдаланилган (Республика «Истиқболли авлод» ИАМнинг 2020 йил 29 июндаги 248 out/IA-сонли маълумотномаси). Илмий натижалар одам савдосига қарши курашиш мавзусини самарали ёритиш бўйича журналистларда амалий кўникмалар шаклланишига хизмат қилган.

Матбуот материалларидаги гендер асимметрияси ва қолиплар юзасидан олинган илмий натижалар ва хулосалар ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги Ваколатхонаси томонидан нашр этилган «ОАВ, ҳуқуқий тартиб, хавфсизлик: Ўзбекистонда демократияга хизмат қилиш»<sup>27</sup> ўқув қўлланмасини яратишда қўлланилган. Илмий натижалар «Матбуот объектида коррупция, жиноий ва

---

<sup>27</sup> СМИ, правопорядок и безопасность: служение демократии в Узбекистане: Учебное пособие / Я. Маматова; - Т.: «Mehridaryo», 2019. – С. 104-113.

бошқа жинойтларга қарши курашиш масалалари» боби одам савдосига доир бандининг илмий асосланган маълумотлар билан бойитилишига хизмат қилган.

Одам савдоси муаммосининг Ўзбекистон матбуотида ёритилишининг устувор йўналишлари, рукнлар тизими ва мавзулар кўлами юзасидан тадқиқотнинг амалий қисмида келтирилган илмий натижалар ва хулосалар «Hurriyat» газетаси сифатини яхшилашда қўлланилган («Hurriyat» газетасининг 2020 йил 25 июндаги 46-сонли маълумотномаси). Илмий хулосалар сарлавҳалар дизайнидаги шрифт сиёсати қайта кўриб чиқирилиши, аудитория билан интерфаол алоқалар доирасининг кенгайтирилиши, траффикингнинг турли кўринишлари, шу жумладан, мажбурий никоҳ, ноқонуний миграция ҳақидаги материаллар сони кўпайишига имкон берган.

Одам савдоси мавзусини ёритишга доир учта назарий асос – кун тартибини шакллантириш, фрейминг ва альтеркастинг юзасидан олинган илмий натижалар «Qalampir.uz» ахборот-таҳлилий интернет нашрида фойдаланилган («Qalampir» МЧЖнинг 2020 йил 23 июндаги Q 23/06-сонли маълумотномаси). Илмий натижалар одам савдоси ва миграцияга доир бир қатор материаллар ишлаб чиқирилиши ва чоп этилишига хизмат қилган.

Россия матбуотида одам савдоси мавзуси ёритилишининг контент-таҳлили бўйича олинган илмий натижаларга Scopus халқаро маълумотлар базасига киритилган «Sustainability», «Journal of African Media Studies», «Comunicazioni Sociali» журналларида ҳаволалар келтирилган<sup>28</sup>. «Народное слово» газетаси фаолиятининг таҳлилига оид олинган илмий натижалар «Вопросы внешней трудовой миграции, противодействия торговле людьми и использованию принудительного труда в деятельности политических партий Узбекистана»<sup>29</sup> номли миллий тадқиқотда тавсия этилган кўшимча манбалар рўйхатига киритилишига хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 10 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан, 5 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокама этилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 20 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг тавсия этилган илмий нашрларида 6 та илмий мақола, жумладан, 4 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва хажми.** Диссертация кириш, уч боб,

---

<sup>28</sup> Қаранг: Tudor M., Bratosin S. French Media Representations towards Sustainability: Education and Information through Mythical-Religious References // Sustainability. – 2020. – 12(5), 2095. doi:10.3390/su12052095 // <https://sci-hub.st/https://doi.org/10.3390/su12052095>; Tudor M., Ladjouzi F. Information literacy practices of young Internet users related to the production of religious content: 2019 Algerian protests case // Journal of African Media Studies. – 2020. – 12(2). – PP. 97-122; Tudor M. Introducing religion into the media: when the "catholic clergy" becomes violent // Comunicazioni sociali. – 2020. doi: 10.26350/001200\_000083.

<sup>29</sup> Қаранг: Набиев Ф., Гаффарова Н. Вопросы внешней трудовой миграции, противодействия торговле людьми и использованию принудительного труда в деятельности политических партий // Ж. Fuqarolik jamiyati. – 2019. – Vol. 16. – Issue 3(59). – PP. 85-88.

хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 154 саҳифадан иборат.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланиб, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти ҳамда предмети аниқланган. Тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилиб, унинг илмий янгилиги, илмий ва амалий аҳамияти, олинган натижаларнинг ишончлилиги шакллантирилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, апробацияси, эълон қилинганлиги бўйича маълумотлар келтирилган, диссертациянинг тузилиши тавсифланган.

Диссертациянинг биринчи боби – «**Одам савдосига қарши курашишнинг назарий-ҳуқуқий асослари ва ОАВ вазифалари**»да одам савдосининг моҳияти, турларининг таснифи, уни белгиловчи омиллар, халқаро ва миллий даражадаги ихтисослашган қонунчиликнинг эволюцияси, шунингдек, ОАВнинг траффикингга қарши курашиш масалаларини ёритишдаги долзарб вазифалари тадқиқ этилган.

Бобнинг биринчи параграфида БМТ мутахассисларининг Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши Конвенцияни тўлдирувчи «Одам савдоси, айниқса, аёллар ва болалар савдосини олдини олиш ҳамда унга чек қўйиш ва унинг учун жазолаш ҳақида»ги Протоколда қайд этилган «одам савдоси»<sup>30</sup> атамаси талқини илмий таҳлилга тортилган. Олимларнинг фикрига кўра, «талқин ҳаддан зиёд узун ва ортиқча тафсилотлар билан тўлдирилган»<sup>31</sup>. Бундан ташқари, унда ОАВ хусусиятлари инобатга олинмаган. Қолаверса, Human Trafficking Search лойиҳаси, Аёллар савдосига қарши Бутунжаҳон альянси томонидан таклиф этилган таърифлар, ЎзР Жиноят кодексидаги, ўзбекистонлик олимлар И. Ю. Фазилов, М. Х. Рустамбоевлар, россиялик тадқиқотчилар Е. В. Евстифеева, А. В. Матвиенко, Т. Г. Даньколарнинг ишларидаги талқинлар ҳам таҳлил қилинган. Диссертант ушбу назарий қарашларни умумлаштириб, ОАВ фаолиятига мос «одам савдоси» атамасининг таърифини асослаб берган. Муаллифнинг фикрича, одам савдоси деганда, молиявий даромад олиш учун инсонни эксплуатация қилиш мақсадида куч ишлатиш, алдов ва/ёки мажбурлаш орқали уни олиб-сотиш ва/ёки ёллаш, ташиш, топшириш, яшириш, қабул қилиб олиш, деб тушуниш жоиз.

---

<sup>30</sup> Одам савдоси — куч билан таҳдид қилиш ёки куч ишлатиш ёхуд бошқа мажбурлаш шаклларида фойдаланиш, ўғирлаш, фирибгарлик, алдаш, ҳокимиятни суиистеъмол қилиш ёки вазиятнинг қалтислигидан фойдаланиш орқали ёхуд бошқа шахсни назорат қилувчи шахснинг розилигини олиш учун уни тўловлар ёки манфаатдор этиш эвазига оғдириб олиш орқали одамлардан фойдаланиш мақсадида уларни ёллаш, ташиш, топшириш, яшириш ёки қабул қилиш.

<sup>31</sup> Буряк М.Ю. Торговля людьми и борьба с ней: криминологические и уголовно-правовые аспекты: диссертация ... канд. юр. н.: 12.00.08. – Владивосток: Юридический ун-т ДВГУ, 2005. – С. 26.

Бобнинг иккинчи қисмида одам савдоси ва қул меҳнатидан фойдаланишга қарши курашишни тартибга солувчи халқаро ҳуқуқий меъёрлар институтининг шаклланиш жараёни хусусида фикр юритилади. Ушбу қонунчилик 1815-2000 й.й. даврида, Қора танли одамлар савдосига барҳам бериш тўғрисидаги давлатлар Декларациясидан бошлаб такомиллашиб келган ва ҳозирда унинг мазмун-моҳияти БМТнинг Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши Конвенцияни тўлдирувчи «Одам савдоси, айниқса, аёллар ва болалар савдосини олдини олиш ҳамда унга чек қўйиш ва унинг учун жазолаш ҳақида»ги Протоколда ўз аксини топган. 2015 йилда миграция инқирозини «бошидан» ўтказган ГФР, шунингдек, РФ ва ЎзРнинг ушбу соҳадаги ҳуқуқий меъёрлари ўрганилган. Хусусан, 2017 йилда Германияда «Шаҳвоний ишчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонун кучга кирди<sup>32</sup>. Доктор Ингеборг Крауснинг фикрича, ушбу «... аёлларни зулматдан олиб чиқишни мақсад қилган қонун таназзулга учради»<sup>33</sup>. Мамлакатда яна Жиноят кодекси (ЖК) ҳам амалда бўлиб, унинг 18-бобида одам савдоси ва унинг эксплуатацияси жиноят сифатида тавсифланган. РФ ЖКнинг 127<sup>1</sup> ва 127<sup>2</sup>-моддалари одам савдоси ва қул меҳнатидан фойдаланишга бағишланган. Мамлакатда бир неча йил аввал ишлаб чиқилган «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси ҳанузгача қабул қилинмаган. Ўзбекистон постсовет маконида биринчилардан бўлиб 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган ЎзР ЖКга одамлардан кейинчалик фойдаланиш учун уларни ёллаш бўйича жавобгарлик тўғрисидаги 135-моддани киритди. Кейинчалик «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»ги Қонун (2008), ЎзР Президентининг махсус Фармони<sup>34</sup>, ЎзР ВМнинг бир қатор ихтисослашган қарорлари<sup>35</sup> кучга кирди. 2020 йил 18 августда янги таҳрирдаги «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»ги ЎзР Қонуни қабул қилинди. Афсуски, унда ОАВ траффикингга қарши курашишнинг муҳим механизми сифатида кўриб чиқилмаган.

Бобнинг учинчи параграфида одам савдоси муаммосини ёритиш бўйича ОАВнинг мақсад ва вазифалари ўрганилган. Хусусан, диссертант ушбу жараёнда журналистика моҳияти ва вазифаларига учта назарий ёндашувни асослаб беради. Биринчиси – кун тартибини шакллантириш – ОАВ орқали

---

<sup>32</sup> Шалимов Е.Е. Уголовно-правовые и криминологические проблемы торговли людьми: дисс.кан.юр.наук: 12.00.08. – Саратов: Саратовская государственная академия права, 2007. – С. 53.

<sup>33</sup> Выступление доктора Ингеборга Крауса на итальянском парламенте в Риме от 28 мая 2018 года // [https://www.trauma-and-prostitution.eu/en/2018/06/19/the-german-model-17-years-after-the-legalization-of-prostitution/#\\_edn15](https://www.trauma-and-prostitution.eu/en/2018/06/19/the-german-model-17-years-after-the-legalization-of-prostitution/#_edn15).

<sup>34</sup> Одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. 30.07.2019 й.да қабул қилинган // <http://uza.uz/ru/documents/o-dopolnitelnykh-merakh-po-dalneyschemu-sovershenstvovaniyu-s-31-07-2019>.

<sup>35</sup> Одам савдоси жабрдийдаларига ёрдам бериш бўйича Республика реабилитация марказини ташкил этиш тўғрисида. ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг Қарори. 22.01.2018 й.да ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг Қарори билан янги таҳрирда тасдиқланган // <https://www.lex.uz/acts/1406843>; Ўзбекистон Республикасида мажбурий меҳнатга барҳам беришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида. ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг Қарори. 10.05.2018 й.да қабул қилинган // [http://lex.uz/docs/3730231?query=%D0%BE%D1%85%D1%80%D0%B0%D0%BD\\*%20%D1%82%D1%80%D1%83%D0%B4%D0%B0](http://lex.uz/docs/3730231?query=%D0%BE%D1%85%D1%80%D0%B0%D0%BD*%20%D1%82%D1%80%D1%83%D0%B4%D0%B0).

аҳолининг траффикингга қарши курашиш соҳасидаги муҳим масалалар бўйича хабардорлигини оширишни англатади. Масалан, қалин шрифтда берилган сарлавҳа ёки биринчи саҳифадаги материаллар жамоатчиликнинг диққат-эътиборини тортишга ундайди. Иккинчиси – хошиялаш ёки фрейминг – ушбу тушунча ахборотни аудиторияга тақдим этиш жиҳати билан боғлиқ. Шу маънода чет эллик тадқиқотчи М. Пайник унинг тўрт кўринишини санаб ўтади: криминаллаштириш; миллийлаштириш; виктимлаштириш; тартиблаштириш<sup>36</sup>. Учинчи назарий асос – альтеркастинг – ОАВ «аудиторияни жамиятда муайян ижтимоий ролни қабул қилишга ундайди»<sup>37</sup>, деган маънони билдиради. Ушбу уч асос ОАВнинг замонавий қулликни енгишдаги роли, ушбу жараёнда қандай муаммолар мавжудлиги ва уларни қандай бартараф этиш мумкинлигини тизимли тадқиқ этишга имкон беради. Параграфда, шунингдек, журналистикада таомилга кирган қатор қолиплар таҳлилга тортилган, яъни «Жабрланувчи у билан содир бўлган воқеада ўзи айбдор» (виктимблейминг); «Одам савдоси – бу битим ёки олди-сотди»; «Одам савдоси – бу таҳдид ва унга қарши курашиш лозим»; «Одам савдоси – бу юқори даромадли бизнес» ва ҳ.к.

Диссертациянинг иккинчи боби «**Маҳаллий ва Россия даврий нашрлари фаолиятининг муаммоли-тематик таҳлили**» деб номланиб, 2009-2012, 2016-2019 й.й.да Ўзбекистон ва Россия босма ОАВдаги материалларнинг эмпирик таҳлиliga бағишланган. Айнан шу йилларда икки мамлакат даврий нашрларида нисбатан кўп мақолалар нашр этилган.

Бобнинг биринчи параграфида 2009-2012 й.й.да «Народное слово», «Правда Востока» ва «Огоҳ» газеталари саҳифаларида 54 та материал аниқлангани, 2016-2019 й.й.да эса ушбу нашрларда ва «Ниқуқ» газетасида ҳаммаси бўлиб 200 дан ортиқ мақола чоп этилгани кўрсатилган. 2016-2019 й.й.да юқорида қайд этилган ҳамда «Qalqon» ва «Даракчи» нашрларида жами 288 та материал чоп этилган.

#### 1-жадвал.

#### 2009-2012 ва 2016-2019 й.й.да айрим босма ОАВда одам савдоси мавзусининг ёритилиш динамикаси (% / материаллар сони)

Нашрлар чиққан йил	2009	2010	2011	2012	2016	2017	2018	2019
Материаллар сони	8,2 (23)	5,4 (15)	2,9 (8)	2,9 (8)	22,1 (62)	15,7 (44)	23,2 (65)	19,6 (55)

<sup>36</sup> Криминаллаштириш (одам савдоси кучли қонуний асослар ва қаттиқ жазолаш чоралари билан курашиш мумкин бўлган юқори даромадли, ноқонуний тармоқ сифатида тавсифланади); миллийлаштириш (одам савдосининг омиллари ноқонуний миграция ва чегара назоратининг самарасиз фаолияти бўлган муаммо сифатида кўрсатилади); виктимлаштириш (бу ерда одам савдосига дуч келган бегуноҳ аёл гавдалантирилади); тартиблаштириш (кўпинча бу ҳолатда янги қабул қилинган қонуний чоралар ва одам савдоси жинояти содир этилганидан кейинги тергов жараёнлари ёритилади) // Pajnik M. Media framing of trafficking // International Feminist Journal of Politics. – 2010. – № 12(1). – PP. 45-64.

<sup>37</sup> Communication Theories. – The Netherlands: University of Twente in Enschede, 2003-2004 // www.utwente.nl/communication-theories.

Ушбу мавзудаги материалларнинг энг кўп сони 2018 й.да чоп этилган. «Народное слово» ва «Правда Востока» газеталарида аксарият материаллар ҳисобот ва мақола жанрларида тақдим этилган. «Огоҳ», «Ниқуқ» ва «Qalqon» нашрларида асосан суд очерклари ва мақолалар чоп этилган. Оммавий ҳисобланган «Даракчи» газетасида кўпроқ хабарлар ва кичик «маиший воқеалар» берилган. Ҳуқуқий нашрларда эса қизлар ва аёлларни жинсий кулликка тортиш хусусидаги материаллар мунтазам кўзга ташланган. Болалар савдоси мавзуси кўпроқ «Ниқуқ» газетасида ёритилган.

2018-2019 й.й.даги «Народное слово», «Правда Востока», «Ниқуқ», «Даракчи» газеталари, «Qalqon» журнали материалларини шартли равишда уч гуруҳга ажратиш мумкин. **Биринчи гуруҳ** материалларида мажбурий меҳнатнинг олдини олиш, мамлакат миграция сиёсатини мувофиқлаштириш, фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқларини таъминлаш бўйича кўрилаётган чоратадбирларни ёритишга алоҳида урғу берилган. Кўплаб материаллар аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини оширишга йўналтирилган. Қатор материалларда жабрланувчиларнинг фикр-мулоҳазаси келтирилган ва бу матннинг ишончилиги ва ҳаққонийлигини таъминлаган<sup>38</sup>. **Иккинчи гуруҳ**ни асосан мажбурий меҳнат ва тиланчилик ҳолатлари танқидий таҳлилга тортилган материаллар ташкил этади. Кам бўлса-да, аммо ноқонуний миграция феномени илмий жиҳатдан ва чуқур ўрганилган муаммоли мақолалар ҳам учрайди. Бироқ, уларда Ўзбекистондаги миграция ҳолати тўғрисида маълумот келтирилмаган<sup>39</sup>. **Учинчи гуруҳ** материалларида асосан ваколатли органларнинг саъй-ҳаракат натижалари акс этган, жиноят содир этганликда гумон қилинган шахсларнинг ҳибсга олиниши ёки уларга ҳукм ўқилиши ҳолатлари, фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқлари бузилиши билан боғлиқ мурожаатлари ижобий ҳал этилиши ёритилган, уларда ҳар қандай ноқонуний хатти-ҳаракат учун жазо муқаррарлиги таъкидланган.

Бобнинг иккинчи параграфида Россия нашрларидаги материалларнинг контент-таҳлили натижалари келтирилган. Уларнинг аксарияти меҳнат ва жинсий эксплуатация муаммоларига бағишланган. Вояга етмаганлар жабр кўрган жинорий ҳаракатлар тўғрисидаги материаллар ҳам учраб туради<sup>40</sup>. «Огонёк» ва «Миграция XXI век» журналларида фуқаролар миграциясининг ҳуқуқий асослари, ноқонуний миграция, одамларни куллик асосида ишлашга мажбурлаш ва ҳ.к. хусусидаги мақолалар кўпроқ учрайди. Жинсий эксплуатация, педофилия ва зўравонликка оид материалларнинг аксарияти таҳририят ходимлари томонидан тайёрланган. Уларда кўпроқ кул эгаларининг талабларини бажариши учун жабрланувчиларга нисбатан жисмоний зўравонлик қўллаш, қурбонларнинг эркинлиги ва

<sup>38</sup> Қаранг: Юн Е. Современное рабство: как остановить торговлю людьми? // Г. Правда Востока. – 2018. – 4 декабря. – С. 1-3; Алимова С. Кибербуллинг: невидимая угроза // Г. Правда Востока. – 2018. – 18 сентября. – С. 1-2; Тўлаганов Ш. Чегара билмас мудҳиш жиноят // Г. Даракчи. – 2018. – 30 июля.

<sup>39</sup> Қаранг: Девятов А., Эгамбердиев Б. Ноқонуний миграция: унинг сабаблари ва салбий оқибатлари // Ж. Qalqon. – 2018. - № 7. – Б. 19-23.

<sup>40</sup> Қаранг: Борисенко Л., Зайков Н. А была ли сделка? // Г. Российская газета. – 2016. – 14 января; Борта Ю. Я не боюсь сказать. Надо ли? Кричать и бежать // Г. Аргументы и факты. – 2016. – 28 июля; Полетаев Д. Недетский труд // Ж. Миграция XXI век. – 2014. – № 3-4 (23-24). – С. 72.

ҳаракатланишини чеклаш, қарздорлик қарамлиги, пора ва бошқа жиноий ниятларни амалга ошириш усуллари тилга олинган.

«Огонёк» ва «Миграция XXI век» журналларида траффикинг муаммоси умумий тарзда кўриб чиқилган ёки жиноий фаолиятнинг бир неча усуллари тилга олинган. «Российская газета»да муаммо одам савдосининг турли кўринишлари кесимида тадқиқ этилган. Журналистлар томонидан қурбонлар ва жиноятчиларга қарши курашувчилар тимсоли тенг нисбатда кўрсатилган. Одам савдоси қурбонларини тасвирлашда кўп ҳолатларда уларнинг жинси, ёши, келиб чиқиши мамлакати ёдга олинади. Жиноятчилар ва уларнинг шериклари, шунингдек, курашувчилар ва химоячиларни тасвирлашда эса уларнинг ижтимоий мавқеи қайд этилган. Умуман, фактлар ва воқеалар мамлакат ёки глобал миқёсда кўриб чиқилган. Материалларнинг ярмида муаллифларнинг муаммонинг амалий ечимини топишга кўмаклашиш мақсади кузатилган. Фактографик маълумотлар келтирилган мақолалар эса камчиликни ташкил этади. Уларнинг аксарияти салбий оҳангда тақдим этилган.

Россия газеталарининг 2018-2019 й.й.даги материалларини шартли равишда икки гуруҳга ажратиш мумкин. **Биринчи гуруҳ** материаллари миграция сиёсати, одам савдосига қарши курашиш тизимини такомиллаштириш билан боғлиқ ҳуқуқий чораларни таҳлил қилишга бағишланган. Айтиш мумкинки, журналистлар статистика маълумотларини моҳирлик билан қиёслашади, ҳужжатларни турли жиҳатдан таҳлил этишади. Материалларнинг яна бир қисми хориждаги миграция жараёнларига бағишланган. **Иккинчи гуруҳ** материалларида одам савдоси кўринишлари, хусусан, тана аъзолари трансплантацияси, суррогат оналик, ноқонуний миграция, меҳнат қонунчилигининг бузилиши ва ҳ.к. мавзулар ёритилган. Ушбу материалларда мутассаддилар маълум муаммони муҳокама қилишга жалб этилган, уларнинг фикрлари ўзаро таққосланган, шунингдек, қизиқарли ва шу жумладан, норасмий манбалардан олинган ахборот ва маълумотлар ҳам ўқувчига тақдим этилган, миллий қонунчилик танқидий таҳлилга тортилган.

Бобнинг учинчи параграфида матбуот чиқишларида гендер асимметрияси масалалари ўрганилган. «Правда Востока» ва «Народное слово» газеталарининг 2016-2017 й.й.даги аксарият материалларида аёллар одам савдоси ташкилотчилари ва қурбонлари сифатида тасвирланган. «Ниқиқ», «Даракчи» ва «Qalqon»нинг 2016-2019 й.й.даги мақолаларида аёллар асосан одам савдогарлари ва жабрланувчилар сифатида намоён бўлган. Жинсий эксплуатацияга оид кўплаб материалларда одам савдогарлари фаолияти ўхшаш тарзда тасвирланган, ҳатто қурбонлар йўл олган мамлакатлар – БАА ва Туркия, айрим ҳолларда Россия ҳам ўхшаш. Муаллифлар аёл-ёлловчиларнинг жирканч иш билан шуғулланганлигини қоралаган. Баъзи ҳолларда муаллифлар меҳнат эксплуатацияси қурбони бўлган эркакларга нисбатан раҳмдил муносабатни билдиришган. «Народное слово» ва «Правда Востока» газеталарининг 2018-2019 й.й.даги кўплаб материалларида оғир ҳаётий шароитда жиноятчилик аёл қиёфасига эга

бўлиши билвосита тарзда таъкидланган. «Правда Востока», «Ниқиқ» газеталарининг 2018-2019 й.й.даги сонларида эркаклар тимсоли траффикинг мавзуси доирасида меҳнат можароси қурбонлари ёки меҳнат муҳожирлари сифатида тасвирланган. Россия нашрларида эса эркаклар асосан фотосуратларда меҳнат муҳожирлари образида гавдаланган.

2016-2017 й.й.да «Мир новостей» газетасининг деярли барча материалларида аёл қаҳрамонлар жиноий ҳаракат ёки вазият қурбонлари сифатида кўрсатилган. Бироқ, жуда кам бўлса ҳам аудиториянинг ҳуқуқий ва амалий билимларини оширишга қаратилган мақолалар ҳам учрайди. 2018-2019 й.й.да «Аргументы и факты» газетаси хотин-қизлар мавзусини турли жиҳатдан ўрганган. 2018-2019 й.й.да «Мир новостей» газетаси аёллар ҳуқуқларининг бузилиши ҳусусида қатор мақолаларни эълон қилган. Масалан, ҳижоб кийган аёлларнинг террорчилик ҳаракатларини содир этишда гумон қилинишига оид қолип қарашлар моҳирона таҳлил қилинган<sup>41</sup>. Бироқ, холисликни таъминлаш мақсадида муаллиф мутахассислар фикрларини ҳам тақдим этиши лозим эди. «Российская газета»да эса аёллар жинсий эксплуатация қурбонлари сифатида гавдаланган, ноқонуний муҳожир ёки одам савдоси қурбонига айланган эркаклар муаммолари кам кўтарилган.

**«Одам савдосига қарши курашиш масалаларини ёритишда журналист маҳорати»** номли учинчи бобда журналист-суриштирувчининг траффикинг мавзусида ишлаш методикаси, материалларнинг лисоний-услубий жиҳатлари, журналистнинг ҳуқуқий ва ахлоқий масъулияти масалалари тадқиқ этилган.

Бобнинг биринчи параграфида одам савдосига қарши курашиш мавзусини журналист суриштируви доирасида самарали, ҳар томонлама ва тўлиқ тарзда очиб бериш мумкинлиги эътироф этилади. Бироқ, Ўзбекистон даврий нашрларида траффикинг масалаларига бағишланган мумтоз мазмундаги суриштирувлар жуда кам учрайди. Суриштирув элементлари мавжуд бўлган кўплаб материалларда муаллифлар муайян муаммо бўйича матнда ўз тасдиғини далиллар асосида топган ёки топмаган тахминларни илгари суришни ўринли деб ҳисоблашади<sup>42</sup>. Муаллифлар кўп ҳолларда меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга мурожаат қилишади, давлат идоралари тақдим этган маълумотларга таянишади. Давлат ташкилотлари тақдим этган ахборотни қўллаш тенденцияси Россия матбуотида ҳам кузатилади.

Журналист суриштирувини амалга оширишда бевосита кузатув ва тажриба-синов усуллари катта самарага эга<sup>43</sup>. Ушбу усуллар Россия

<sup>41</sup> Қаранг: Волков В. Снять нельзя носить // Г. Мир новостей. – 2018. – 1 августа. – С. 23.

<sup>42</sup> Қаранг: Синотова Э. Попрошайничество – жизнь за чужой свет? // Г. Правда Востока. – 2018. – 15 декабря. – С. 3; Алимов Ф. Тиланчилик касбми ёки айб? // Г. Ниқиқ. – 2018. – 21 март. – Б. 3; Богданова Т. Игра на нервах // Г. Аргументы и факты. – 2018. – № 4. – С. 9.

<sup>43</sup> Тиланчиликни «жонли» равишда ўрганиш, янги туғилган чақалоқни сотиш жараёнини кузатиш ва жиноят содир этилган жойда болалар савдогарларини ҳибсга олиш учун юкоридаги усуллар «Попрошайничество – жизнь за чужой счет?» («Тиланчилик – бошқа бировнинг ҳисобидан яшашми?») ва «Гўдакнинг баҳоси бўладими?» каби материалларда қўлланилган // Қаранг: Синотова Э. Попрошайничество – жизнь за чужой свет? // Г. Правда Востока. – 2018. – 15 декабря. – С. 3; Юсупов М., Файзиева А. Гўдакнинг баҳоси бўладими? // Ж. Qalqon. – 2018. – № 6. – Б. 35-40.

нашрларининг «Скрытая угроза» («Яширин таҳдид»), «Меняем старика на крокодила» («Чолни тимсоҳга алмаштираамиз»), «В столице могут появиться районы-гетто» («Пойтахтда гетто-худудлар пайдо бўлиши мумкин») <sup>44</sup> материалларида қўлланилган. Журналистлар воқеликни тадқиқ этишда факт ва воқеаларнинг ичкаридан ўрганишга қаратилган криминалистик ёндашувдан кенг фойдаланмоқдалар. «Шифохонада нобуд бўлган гўдаклар», «Гўдакнинг баҳоси бўладими?» <sup>45</sup> материаллари ушбу ёндашувнинг ёрқин мисоли сифатида хизмат қилади. Улар тиббий кўрик маълумотномалари, туғилганлик тўғрисидаги сохта гувоҳномалар, «тузоқ» учун тайёрланган пуллар, тилхат, гувоҳларнинг кўрсатмалари ва ҳ.к.га асосланган.

«Хронология; сериал; детектив; очерк; таҳлил» <sup>46</sup> шакллари материал тузилишининг барқарор кўринишлари ҳисобланади. Ўзбекистон ва Россия журналистлари кўп ҳолларда матн «ҳазм қилиниши», факт ва ҳикоянинг эслаб қолинишини енгиллаштирувчи «сериал» кўринишдан кенг фойдаланадилар. Икки мамлакат нашрларида маълумотлар «тескари пирамида» ва «шиллик қурт» шаклида тақдим этилган материаллар кўпроқ учрайди.

Иккинчи параграфда газета ва журнал матнларининг лексик-стилистик хусусиятлари ўрганилган. Одам савдоси мавзусига оид Ўзбекистон матбуоти материалларига асосан нейтрал лексика хосдир. Оғзаки лексикадан ҳам кенг фойдаланилган (Россия нашрларида ундан кўпроқ фойдаланилади – муал. эслат.): «...в здешних местах», «аттанг, ҳа, энди алданган бўлса, менга нима», «все-навсего» ва ҳ.к. Бу каби сўз бирикмаларини ҳаддан зиёд қўллаш муштарий кўтарилган мавзуни «енгил ва юзаки» қабул қилишига сабаб бўлади.

Ўзлаштирилган сўзлар ва неологизмлар ҳам матбуот матнларида фаол қўлланилади: *рекрутинговые агентства, институционал механизмлар, антимиграционный* ва ҳ.к. Барқанот сўз ва иборалар ҳам тез-тез учраб туради: *на свой страх и риск; тирноққа зор; ...эти цифры от лукавого* ва ҳ.к. Атамалардан фойдаланиш матннинг аниқ, қисқа ва бир маъноли бўлишини таъминлайди: *принудительный труд; сохта ҳужжатлар; коррекция миграционной конъюнктуры* ва б. Клише сўз ва жумлалар аудитория томонидан ахборот осон қабул қилинишини енгиллаштиради: *сбор хлопка, қўзгатилган жиноий ишлар сони, занятость мигрантов в теневом секторе* ва б.

---

<sup>44</sup> Қаранг: Зотов Г. Скрытая угроза // Г. Аргументы и факты. – 2016. – 10 марта. – С. 11; Зотов Г. Ницета, проституция и взятки // Г. Аргументы и факты. – 2017. - № 51. – С. 21; Зотов Г. Откуда в Италии сплошная Африка? // Г. Аргументы и факты. – 2018. - № 47. – С. 29; Зотов Г. Салам алейкум, Берлинстан! // Г. Аргументы и факты. – 2018. - № 20. – С. 13; Зотов Г. Меняем старика на крокодила // Г. Аргументы и факты. – 2018. - № 48. – С. 26; Зотов Г. Очень темные силы // Г. Аргументы и факты. – 2018. - № 43. – С. 26; Пуртова Н. В столице могут появиться районы-гетто // Г. Мир новостей. – 2019. – 6 февраля. – С. 9; Ли А. Как дела, самозанятые? // Г. Мир новостей. – 2019. – 17 апреля. – С. 8.

<sup>45</sup> Қаранг: Сайпидинов А., Ҳакимов У. Шифохонада нобуд бўлган гўдаклар // Г. Нуқуқ. – 2018. – 14-июнь. – Б. 8; Юсупов М., Файзиева А. Гўдакнинг баҳоси бўладими? // Ж. Qalqon. – 2018. – № 6. – Б. 35-40.

<sup>46</sup> Журналистское расследование: история метода и современная практика / под ред. А. Д. Константинова. – СПб.: Нева, 2001. – С. 149, 154.

Журналист одам савдоси мавзусини ёритишда ифода воситаларини эҳтиёткорлик билан қўллаши лозим, чунки улар маълум даражада муаллифнинг воқеага берган баҳосини, мақола қаҳрамонларига бўлган муносабатини акс эттиради. Шу маънода, Ўзбекистон ва Россия матбуот материалларида антитеза, риторик савол, кўп боғловчи, анафора, градация, инверсия, парцелляция, сукут сақлаш фигураси ва шу каби троп ҳамда услубий фигуралардан фойдаланилган.

Тадқиқотда матбуот матнларининг инвариант хусусиятлари ҳам ўрганилган: «қадриятлар кўлами, баҳолаш, мафкура ва муаллиф образи»<sup>47</sup>. Биринчи константа «бизники/бошқаларники» деган семантик оппозицияга асосланади. Ўзбекистонлик муаллифлар бундай изоляционизмга таянишмайди, Россия босма нашрларида эса у кўпроқ учрайди. ОАВ матнларида имплицит баҳолар метафора кўмагида ифодаланади: *легкие деньги; тош қалб; стайка подростков* ва ҳ.к. Аллюзия, реминисценция, ишора, перифраза ва б. интерматнлиликнинг асосий усуллари ҳисобланади.

Учинчи параграфда одам савдоси мавзусини ёритишда ЎЗР журналистларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, ОАВ тўғрисидаги қонунчилик меъёрларини бузганлик учун жазо турлари, шунингдек, журналист фаолиятининг ахлоқий жиҳатлари тадқиқ этилган. Хусусан, ахборот эркинлиги, журналист суриштирувини ўтказиш, белгиланган тартибда ёзиб олиш, очиқ суд мажлисларида қатнашиш, ахборот манбаси ёки муаллифининг исмини сир сақлаш, журналист ҳаёти хавфсизлигини кафолатлаш каби ҳуқуқлар батафсил ўрганилган. Шунингдек, шахсий маълумотларга доир қонунчиликни бузганлик учун жазо чоралари, суд мажлислари ва жиноят содир этилган жойда журналистларнинг ишлаш қоидалари таҳлил қилинган.

Диссертацияда журналистларнинг касб одоби меъёрлари бир қатор халқаро ҳужжатлар, шунингдек, 2019 йилда қабул қилинган Ўзбекистон журналистларининг касб этикаси кодексида ўз аксини топгани эътироф этилади. ОАВ ходимларига жасадларни йирик планда кўрсатиш, жиноятларнинг асл ҳолатини батафсил таърифлаш, содир этилган жиноятларни оқлаш, масалани бир ёқлама кўриб чиқиш, жабрланганларни айблаш, жиноятчиларнинг қариндош ва яқинларини муҳокама қилишга йўл қўймаслик тавсия этилади.

Ўзбекистон ва Россия нашрларининг кўплаб мақолаларида келтирилган фактларнинг ишончлилиги таъминланганлиги, қурбонларнинг шахсий маълумотлари сир сақланганлиги, уларнинг исм-шарифлари ўзгартирилганлиги аниқланди. Бироқ, айрим материалларда ифодаларнинг салбий ҳиссий-экспрессив оҳангда берилиши бетарафлик тамойилини бузилишига олиб келган. Россия нашрларининг бир неча материалларида эҳтимолдаги меҳнат муҳожирларининг салбий муносабатини келтириб чиқарадиган ва ҳақорат деб қараладиган «гастарбайтеры», «понаехавшие», «нелегалы» сўзлари қўлланилган.

---

<sup>47</sup> Клушина Н. И. Общие особенности публицистического стиля // Язык СМИ как объект междисциплинарного исследования. Учебное пособие. – М.: Изд-во МГУ, 2003. – С. 269 – 289.

## ХУЛОСА

Диссертация ишида амалга оширилган тадқиқот натижалари асосида қуйидаги илмий хулоса, таклиф ҳамда амалий тавсиялар ишлаб чиқилди:

1. ОАВ одам савдоси ҳолатларини аниқлаш ва унинг олдини олиш йўлида самарали восита бўлиб хизмат қилади. Хусусан, массмедиа аҳолининг хабардорлигини кучайтириш, давлат дастурлари ва ижтимоий шериклик лойиҳаларини амалга оширишда муҳим аҳамият касб этади. Улар, шунингдек, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг траффикинг бўйича саъй-ҳаракатларини амалиётга татбиқ этишда жамоатчилик назоратининг муҳим субъекти сифатида иштирок этадилар.

2. «Одам савдоси» атамасининг моҳияти, унинг омил ва турлари тўғрисида назарий мунозаралар асосан ҳуқуқий соҳада олиб борилган. Уларни умумлаштириш асосида ОАВ фаолиятида қўлланиладиган «одам савдоси» атамасининг янги талқини таклиф этилди. Одам савдоси деганда, фикримизча, молиявий даромад олиш учун инсонни эксплуатация қилиш мақсадида куч ишлатиш, алдов ва/ёки мажбурлаш орқали уни олиб-сотиш ва/ёки ёллаш, ташиш, топшириш, яшириш, қабул қилиб олиш, деб тушуниш жоиз. Ушбу таъриф халқаро ҳуқуқ меъёрларига тўлиқ мос келади.

3. Халқаро миқёсда одам савдосига қарши ишлаб чиқилган қонунчиликнинг эволюцияси уч босқичда кечган. Биринчи босқичда, Вена конгресси (XIX аср боши) яқунларига кўра, Қора танли одамлар савдосига барҳам бериш тўғрисидаги декларация қабул қилинди. Иккинчи босқичда (XIX аср) илк бор қулликка қарши курашишга қаратилган меъёрлар қонуний кучга эга бўлди. Учинчи босқичда (XX аср–XXI аср боши) тарихий аҳамиятга молик халқаро миқёсдаги ҳужжатлар қабул қилинди.

ГФР ва РФнинг Жиноят кодексларида одам савдоси ва унинг кўринишларига алоҳида аҳамият берилган. Ўзбекистонда ҳам одам савдосига қарши курашишнинг яхлит тизими ишлаб чиқилган ва жорий этилган. Мамлакатимиз биринчилардан бўлиб «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»ги Қонунни қабул қилган, унинг янги таҳрири 2020 йилнинг августида тасдиқланган. Одам савдосига қарши курашиш ОАВнинг ҳуқуқ ва ваколатларини кенгайтиришни ҳам назарда тутади. ОАВ катта ҳуқуқий имкониятларга эга бўлиб, траффикингга қарши комплекс курашда масъул органларининг самарали фаолиятини мувофиқлаштирувчи муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

4. Мавзуни ёритишда ЎзР ва РФ ОАВ учта назарий ёндашувга – кун тартибини шакллантириш, фрейминг ва альтеркастингга асосланади. Шу муносабат билан, журналистлар траффикинг қурбонларига нисбатан бағрикенглик муносабатини шакллантиришга ҳисса қўшишлари, қуйидаги уч ёндашувга: муаммо ҳақида ахборот бериш; аудитория атрофдагиларнинг гумонли ҳаракатлари хусусида хабар бериши мақсадида ишонч телефонлари ёки бошқа боғланиш маълумотларини тақдим этиш; нафақат траффикинг қурбонлари, балки унинг ташкилотчилари билан ҳам алоқага чиқиш кабиларга амал қилишлари мақсадга мувофиқ.

5. Ўзбекистон матбуоти траффикингга қарши курашишга доир давлат чора-тадбирларининг фаол иштирокчиси ҳисобланади. Журналистларнинг одам савдосига қарши курашиш мавзусига бўлган қизиқиши, айниқса, сўнгги уч йилда ошди. Материалларнинг аксарият қисми мамлакатда одам савдоси, ноқонуний миграция, меҳнат ва жинсий эксплуатацияга қарши курашиш чораларини амалга оширишга бағишланган. Матбуотда кўплаб криминал ҳикоялар ҳам эълон қилинган. Аёл ва қизларнинг жинсий эксплуатацияси, болалар савдоси мавзулари, айниқса, ҳуқуқий ва оммавий нашрларда кенг ёритилган. Мажбурий меҳнатнинг олдини олиш, мамлакат миграция сиёсатини мувофиқлаштириш, шунингдек, аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини оширишга оид, мажбурий меҳнат ва тиланчилик ҳолатлари танқид қилинувчи материаллар ҳам чоп этилган. Бунда журналистлар кузатув усуллари, воқеа иштирокчилари билан интервью усуллари билан кенг фойдаланадилар, статистика маълумотларини келтирадилар. Материаллар асосан хабар, ҳисобот, мақола жанрларида тақдим этилган, публицистик шарҳлар камдан-кам учрайди, аммо вақти-вақти билан ҳуқуқий нашрларда суд очерклари учраб туради.

Шу билан бирга, ноқонуний миграцияга оид, маҳаллий характердаги статистикани акс эттирувчи, ташкилот ва муассасалар фаолияти танқидий таҳлилга тортилган материаллар сонини кўпайтириш, траффикинг қурбонларига қарши айбловлардан қочиш, журналист мулоҳазалари оҳангини ўзгартириш, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идора вакиллари, соҳа мутахассислари ва экспертлари билан ҳамкорликда тайёрланган материалларини чоп этиш мақсадга мувофиқ. Бундан ташқари, газета ва журнал таҳририятларига шрифт сиёсатини қайта кўриб чиқиш тавсия этилади.

6. Россия матбуоти аудиториянинг одам савдоси муаммоси бўйича турфа фикр ва қарашларини шакллантиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Материалларнинг ярми мавзунинг гендер жиҳатларига оид бўлиб, уларда одам савдоси, ноқонуний миграция, мажбурий меҳнат, инсон тана аъзолари ва тўқималарини суғуриб олиш, хориждаги миграция жараёнлари ўрганилган. Муаммони муҳокама қилишга мутахассислар ва ваколатли шахслар жалб қилинган, қизиқарли факт ва маълумотлар норасмий манбалардан ҳам келтирилган. Материалларнинг ярмида муаллифлар одам савдоси муаммосини амалий ҳал қилиш йўллари билан излашга уринишган. Аммо, шу билан бирга, уларда жиноятчилар образи ўз аксини тўлиқ топмаган. Аксарият материалларга салбий ва ҳатто камситувчи оҳанг хос бўлган. Россия нашрларининг жанрий палитрасида ҳисобот, репортаж, интервью, муаммоли, тадқиқот мақолалари ва суриштирувлар тақдим этилган.

7. Даврий нашрлар эркак ва аёлларнинг гендер роллари хусусидаги анъанавий қарашлардан келиб чиқиб гендер асимметриясининг транслятори (тарқатувчиси) ҳисобланади. Шу маънода, Ўзбекистон босма нашрларида аксарият ҳолларда траффикинг ташкилотчилари ва одам савдоси қурбонлари аёллар тимсолида намоён бўлган. Муаллифлар аёл-ёлловчиларни айблаб,

эркак қурбонларга хайрихоҳ муносабатни билдиришган. Ўзбекистон ва Россия нашрлари материалларидаги фотосуратларнинг аксарият қисмида эркаклар меҳнат муҳожирини ёки меҳнат можароси қурбони сифатида гавдаланган. Россиялик муаллифлар кўп ҳолларда жиноий ҳаракатларнинг қурбони бўлган аёл ва қизлар хусусида ёзганлар. Журналистлар хотин-қизлар ҳуқуқларининг поймол этилиши билан боғлиқ ҳолатларни фаол тадқиқ этишларига қарамай, матбуот саҳифаларида аёллар қарамлиги хусусидаги стереотипнинг илдиз отишига хизмат қилувчи материаллар ҳам учрайди. Шу билан бирга, ЎзР ва РФ босма ОАВ ўз чиқишларида жиноятчилик, шунингдек, аёллар ва болаларнинг камситилишини бартараф этишнинг реал механизмлари ва йўллари ёритишлари лозим.

8. Журналист суриштируви одам савдоси ҳолатларини аниқлаш ва уларнинг олдини олишга катта таъсир кўрсатади. Россия нашрларида траффикинг масалаларини ёритишда суриштирув фаолиятига талаб юқорилиги кузатиш мумкин. Ўзбекистон матбуотида тўлақон журналист суриштирувлари камдан-кам учрайди. Шунга қарамай, суриштирув элементлари мавжуд кўплаб материалларда муаллиф фарзлари келтирилган. Россиялик суриштирувчи журналистлар расмий манбалар билан бир қаторда норасмий манбалардан олинган ахборотдан ҳам фаол фойдаланганлар. Суриштирув материаллари тайёрлашда улар ташхис қўйиш, идентификациялаш ва бевосита кузатув усуллари самарали қўлланганлар. Ўзбекистон журналистлари кузатув ва синон-тажриба усулларидан кўпроқ фойдаланганлар. Икки мамлакат матбуотида матннинг «сериал» тузилиши устунлик қилади. Бироқ, айрим суриштирувларга берилган фотосуратлар гендер номуносивлигига эга.

Журналистларнинг суриштирув билан боғлиқ фаолиятини мувофиқлаштириш ва самарадорлигини ошириш мақсадида ОАВ таҳририятлари ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар билан мулоқотини янада мустаҳкамлаш ҳамда бошқа давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, шунингдек, фуқаролик жамияти институтлари билан ижтимоий шериклик лойиҳаларини амалга оширишлари лозим. Бу ОАВнинг жамоат назорати субъекти сифатидаги мавқеини мустаҳкамлайди ва суриштирув материалларини тайёрлаш жараёнида журналистларнинг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлайди.

9. Матбуот чиқишларининг самарадорлигини матнларнинг лексик-стилистик тузилиши ҳам таъминлайди, бунда матнлар утилитарлик ва перформативлик касб этиши, конструктивлик ва мулоқотлилик тамойилларига мос бўлиши жоиз. Ушбу мавзудаги материалларда нейтрал лексикадан ташқари, оғзаки нутқ, муаллифлик ва ўзлаштирилган неологизмлар, барқанот сўзлар, иборалар ва ифода унсурларидан фойдаланилган. Бунда баҳолаш метафора, эвфемизм ва дисфемизмлар орқали намоён бўлган. Ўзбекистон ва Россия даврий нашрларида интерматнлилик кўп ҳолларда иқтибос келтириш, перифраз, реминисценция, аллюзия кўринишларида учраган, ҳазил-мутойиба қўлланилиши ҳам мунтазам

кузатилган. Шу билан бир қаторда, матбуот чиқишларида қолип иборалар, жумлалар, муайян идеологемаларни қўллашдан воз кечиш мақсадга мувофиқ.

10. Траффикингга қарши курашиш мавзусини ёритишда журналистлар ОАВга оид миллий қонунчиликда белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятларга, шунингдек, 2019 йилда қабул қилинган Ўзбекистон журналистларининг касб этикаси кодексига акс этган ахлоқий тамойилларга қатъий риоя қилишлари талаб этилади. Матбуот чиқишларининг самарадорлигини ахборот эркинлиги, белгиланган тартибда ёзиб олиш, очиқ суд мажлисларида қатнашиш, ахборот манбаси ёки муаллифининг исмини сир сақлаш, журналист ҳаёти хавфсизлигини кафолатлаш таъминлайди. ОАВ ходимларига жасадларни йирик планда кўрсатиш, жиноятларнинг асл ҳолатини батафсил таърифлаш, содир этилган жиноятларни оқлаш, масалани бир ёқлама кўриб чиқиш, жабрланганларни айблаш, жиноятчиларнинг қариндош ва яқинларини муҳокама қилиш, холислик тамойилини бузиш, ирқий, гендер ва бошқа камситишга йўл қўймаслик тавсия этилади.

11. Одам савдосига қарши курашиш мавзусини ёритишда матбуот фаолиятини мувофиқлаштириш ва қўйилган илмий муаммони ҳал қилиш мақсадида ОАВда одам савдосига оид ҳаётий воқеаларни чоп этиш, бунинг учун ЎЗР «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»ги Қонунининг 17-моддасига «одам савдоси муаммосининг ОАВда кенг ёритилишига кўмаклашиш» кўшимчасини киритиш ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорликда журналист суриштирувларини тайёрлаш ва ўтказиш бўйича тегишли келишувларга эришиш тавсия этилади.

12. ОАВ таҳририятларининг аудитория билан интерфаол алоқаларини кучайтириш мақсадида одам савдоси қурбонларидан келиб тушувчи аноним муурожаатлар учун махсус электрон ресурс яратиш мақсадга мувофиқ.

13. ОАВ учун ҳамкорлик материалларини тайёрлаш мақсадида миллий ва халқаро экспертларни жалб қилиш, ЎЗР ва РФ журналистларининг ўзаро муносабатларини сифат жиҳатидан янги даражага олиб чиқиш ҳам муҳим.

14. Журналистларнинг траффикингга қарши курашиш мавзусидаги ихтисослашувини чуқурлаштириш, бунинг натижасида уларнинг малакасини ошириш, ушбу мавзуни ёритишда ОАВ таҳририятлари ўз концепцияларини ишлаб чиқишлари мақсадга мувофиқ.

15. Суд журналистлари (репортёрлари)нинг Миллий хартиясини ишлаб чиқиш тавсия этилади, бунда одам савдоси масалаларини ёритиш тамойилларига алоҳида диққат қаратиш лозим.

16. Журналистларда одам савдоси қурбонларига нисбатан бағрикенглик муносабатини шакллантириш ва мавзуни компетент ёритиш мақсадида психология йўналишидаги кейсларни киритган ҳолда ўқув семинар-тренингларни ўтказиш мақсадга мувофиқ.

17. ОЎЮнинг журналистика факультетлари талабалари ва ОАВ ходимлари учун ушбу мавзуда комплекс ўқув дастурлари, шу жумладан, онлайн курсларни ишлаб чиқиш; медиасаводхонлик бўйича мавжуд ўқув дастурларига одам савдосига қарши курашиш мавзусини киритиш лозим.

18. Одам савдосига қарши курашиш мавзусига ихтисослашган журналистларнинг компетентлигини ошириш мақсадида терминологик луғат-маълумотнома чоп этиш, шунингдек, журналистлар учун мавзуга доир мобил илова ишлаб чиқиш муҳим.

19. «Oltin qalam» халқаро танлови доирасида «Одам савдоси ва мажбурий меҳнат мавзуларидаги энг яхши ОАВ материали учун» номинациясини таъсис этиш тавсия қилинади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD.03/30.12.2019.Fil.14.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНОЙ СТЕПЕНИ ПРИ УНИВЕРСИТЕТЕ ЖУРНАЛИСТИКИ И  
МАССОВЫХ КОММУНИКАЦИЙ УЗБЕКИСТАНА**

---

**НАЦИОНАЛЬНЫЙ УНИВЕРСИТЕТ УЗБЕКИСТАНА ИМЕНИ МИРЗО  
УЛУГБЕКА**

**БОЗОРОВА МАХЗУНА АЛИЖОН КИЗИ**

**ОСВЕЩЕНИЕ В ПРЕССЕ ВОПРОСОВ ПРОТИВОДЕЙСТВИЯ  
ТОРГОВЛЕ ЛЮДЬМИ: ПОДХОДЫ, ПРОТИВОРЕЧИЯ И РЕШЕНИЯ  
(на материалах печатной периодики РУз и РФ)**

**10.00.09 – Журналистика (филологические науки)**

**АВТОРЕФЕРАТ**  
диссертации доктора философии (PhD) по филологическим наукам

**Ташкент – 2020**

Тема диссертации доктора философии (PhD) по филологическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № B2019.2.PhD/Fil913.

Диссертация выполнена в Национальном университете Узбекистана имени Мирзо Улугбека.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекском, русском, английском (резюме)) размещён на веб-странице Научного совета (<http://www.uzjoku.uz>) и Информационно-образовательном портале «Ziyonet» ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)).

**Научный руководитель:**

**Маматова Якутхон Мухамаджоновна**  
доктор филологических наук, и.о. профессора

**Официальные оппоненты:**

**Худойкулов Мухтор**  
доктор филологических наук, профессор

**Бабаджанова Гулнара Наджимовна**  
кандидат филологических наук, доцент

**Ведущая организация:**

**Узбекский государственный университет  
мировых языков**

Защита диссертации состоится «\_\_» \_\_\_\_\_ 20\_\_ г. в \_\_ часов на заседании Научного совета PhD.03/30.12.2019.Fil.14.01 при Университете журналистики и массовых коммуникаций Узбекистана (Адрес: 100017, г. Ташкент, Центр-5, д. 88. Тел.: (99871) 207-09-06; e-mail: [journalism.univer@gmail.com](mailto:journalism.univer@gmail.com)).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Университета журналистики и массовых коммуникаций Узбекистана (Адрес: 100017, г. Ташкент, Центр-5, д. 88. Тел.: (99871) 207-09-06).

Автореферат диссертации разослан «\_\_» \_\_\_\_\_ 20\_\_ года.  
(Протокол рассылки за № \_\_\_\_\_ от «\_\_» \_\_\_\_\_ 20\_\_ года).

**Ф.А. Муминов**

Председатель Научного совета по  
присуждению ученой степени, доктор  
филологических наук, профессор

**Н.Ф. Муратова**

Ученый секретарь Научного совета по  
присуждению ученой степени, кандидат  
филологических наук, доцент

**К.Т. Ирназаров**

Председатель Научного семинара при  
Научном совете по присуждению ученой  
степени, доктор исторических наук,  
профессор

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и обоснованность темы.** В последние 20 лет роль средств массовой информации (СМИ) в обществе коренным образом изменилась. Немецкий ученый Томас Мейер<sup>1</sup> одним из первых указал на наступившую эру медиакратии – власти СМИ, которые наряду с отражением действительности ещё и формируют её. От деятельности СМИ напрямую стало зависеть отношение людей и к такой глобальной проблеме, как траффинг, или торговля людьми, характеризующаяся, прежде всего, грубыми, жестокими, а главное, перманентными нарушениями прав человека. Данный вид преступной деятельности распространяется в грандиозных масштабах ввиду того, что из него извлекаются огромные финансовые прибыли. По прибыльности траффинг стоит «почти наравне с наркоторговлей и торговлей оружием»<sup>2</sup>.

Учёные разных стран и научно-исследовательские центры вносят существенный вклад в развитие исследований, посвященных функциям и принципам участия СМИ в комплексной борьбе с данным явлением, их роли в укоренении различных, в том числе и гендерных стереотипов касательно жертв траффинга, вопросам профессиональной этики журналистов в освещении данной темы в разрезе различных государств и регионов. В эмпирическом ракурсе большинство периодических изданий мира, освещая данную проблему, искажают её суть, смешивают смежные понятия в сфере траффинга, а интерпретации и видения журналистов сокращают ареал массовой аудитории до женской её части. В связи с этим на международном уровне возрастает необходимость повышения профессиональной компетентности журналистов и СМИ в данной сфере. Тем более, что именно на СМИ лежит особая ответственность по повышению осведомленности граждан, по компетентному освещению усилий правительства и институтов гражданского общества по противодействию торговле людьми. СМИ посредством социального партнерства с органами государственной власти и управления, ННО и другими институтами гражданского общества способствуют выявлению, предупреждению актов траффинга, а через активизацию общественного мнения обеспечивают публичный контроль над реализацией мер и программ противодействия ему.

В Узбекистане с 2019 года противодействие торговле людьми поднялось на качественно новый уровень. Обеспечивается неотвратимость наказания за серьёзные преступления, отмечается, что «в последние годы мы приняли ряд мер по профилактике и борьбе с преступностью. Однако в этой сфере еще немало проблем ждет своего решения»<sup>3</sup>. В силу этого возросла необходимость организации эффективного взаимодействия между СМИ, государственными структурами и институтами гражданского общества.

---

<sup>1</sup> Meyer T. Media Democracy: How the Media Colonize Politics. – Wiley, 2002. – 184 p.

<sup>2</sup> Борьба с коррупцией в странах с переходной экономикой. Кыргызская Республика. – ОЭСР, 2005. – С. 108.

<sup>3</sup> Выступление Президента Республики Узбекистан Шавката Мирзиёева на первом заседании Сената Олий Мажлиса. 20 января 2020 года // <https://president.uz/ru/lists/view/3304>.

Ввиду этого особо актуализируется научно-теоретическое осмысление роли, форм и методов деятельности СМИ Узбекистана как важного инструмента эффективного противодействия траффингу, его профилактики и повышения информированности населения.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Указах Президента РУз УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан»<sup>4</sup>, УП-5775 от 30 июля 2019 года «О дополнительных мерах по дальнейшему совершенствованию системы противодействия торговле людьми и принудительному труду»<sup>5</sup>, в Законе РУз ЗРУ-633 от 17 августа 2020 года «О внесении изменений и дополнений в Закон Республики Узбекистан «О противодействии торговле людьми»» (новая редакция)<sup>6</sup>, а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики.** Диссертационное исследование выполнено в рамках приоритетного направления развития науки и технологий республики: I. «Духовно-нравственное и культурное развитие демократического и правового общества, формирование инновационной экономики».

**Степень изученности проблемы.** Проблема противодействия торговле людьми является многоаспектной и потому изучается на стыке ряда наук. Прежде всего, следует отметить исследования правовой направленности. Англоязычные и российские ученые изучили факторы, детерминирующие торговлю людьми, её уголовно-правовые и криминологические аспекты. Исследователями стран СНГ изучены вопросы совершенствования профилактики торговли людьми, психологический портрет личности, совершившей такое преступление. В работах отечественных ученых-правоведов рассмотрены история, динамика траффинга, особенно женщин и детей, криминологические аспекты, а также правовые основы его предотвращения.

Изучению роли и участия СМИ в противодействии торговле людьми посвящен ряд исследований российских ученых. Так, М. Лукина<sup>7</sup> изучила стратегию и тактику интервью, А. А. Топчий<sup>8</sup> в обобщенном виде рассмотрел специфику подготовки материалов по этой теме. И. М. Дзялошинский и

---

<sup>4</sup> Стратегия действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан. Указ Президента Республики Узбекистан. Принят от 07.02.2017 г. // [http://lex.uz/pages/getpage.aspx?lact\\_id=3107042](http://lex.uz/pages/getpage.aspx?lact_id=3107042).

<sup>5</sup> О дополнительных мерах по дальнейшему совершенствованию системы противодействия торговле людьми и принудительному труду. Указ Президента Республики Узбекистан. Принят от 30.07.2019 г. // <http://uza.uz/ru/documents/o-dopolnitelnykh-merakh-po-dalneysheму-sovershenstvovaniyu-s-31-07-2019> [дата обращения: 07.01.2020].

<sup>6</sup> О внесении изменений и дополнений в Закон Республики Узбекистан «О противодействии торговле людьми» (новая редакция). Закон Республики Узбекистан. Принят от 17.08.2020 г. // <https://lex.uz/ru/docs/4953319>.

<sup>7</sup> Лукина М. Технология интервью. Учебное пособие для вузов. – М.: Аспект Пресс, 2003.

<sup>8</sup> Топчий А.А. Освещение в средствах массовой информации проблемы торговли людьми. Пособие для журналистов. – ОБСЕ: Интертехнология, 2007. – 161 с.

Е. В. Тюрюканова<sup>9</sup> исследовали эффективность деятельности массмедиа в данном процессе. О. В. Смирнова и Е. Вартанова<sup>10</sup> выявили гендерные аспекты освещения в прессе вопросов траффинга.

Из англоязычных исследований следует отметить труды Э. Дентона<sup>11</sup> и Э. Дугана<sup>12</sup>, которые провели контент-анализ международных новостей и материалов прессы Великобритании о фактах торговли людьми и принудительного труда. В работе С. Уоллингера<sup>13</sup> применена современная теория установления повестки дня для изучения темы. Д. Мартинелли<sup>14</sup> проанализировал материалы сайтов New York Times и CNN на основе этой же теории. Р. Санфорд<sup>15</sup> изучила содержание статей о торговле людьми, опубликованных в газетах New York Times и Washington Post за 1980-2006, 2012-2013 г.г. Исследование Р. Остина и А. Фаррелла<sup>16</sup> посвящено теоретическому осмыслению роли СМИ США в освещении проблемы, в работах А. Джонстона, Б. Фридмана и М. Собел<sup>17</sup>, С. Х. Катрин<sup>18</sup> же рассмотрена интерпретация темы торговли людьми, в том числе детьми, в целях сексуальной эксплуатации, в печатных и аудиовизуальных СМИ этой же страны за 2008-2012, 2012-2015 г.г. К. Сандерс<sup>19</sup> изучила роль СМИ в распространении мифов и стереотипов о траффинге. Следует отметить, что практически во всех работах не столько отражены теоретические аспекты вопроса, сколько обобщены результаты анализа практики массмедиа по исследуемой проблематике.

Из отечественных ученых Х. Н. Досмухамедов<sup>20</sup> в своей научно-исследовательской работе осветил вопросы профессиональной этики

---

<sup>9</sup> Дзялошинский И.М., Е. В. Тюрюканова. Торговля людьми: СМИ как ресурс общественного противодействия современному рабству. – М.: ЗАО «СитиПрессСервис», 2008. – 368 с.

